

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
“ ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” кафедраси

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 230 000 – Иқтисодиёт
Таълим йўналиши: 5A230102 “Иқтисодиёт” (хизматлар соҳаси)

«ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНФРАТУЗИЛМА»
фанидан курс иши ёзиш ва
баҳолаш бўйича

У С Л У Б И Й К У Р С А Т М А



САМАРҚАНД -2018

“Институционал инфратузилма” фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий кўрсатма – фаннинг ўқув режаси ва ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди

Тузувчилар:

Ш.А.Султонов, иқтисодиёт фанлари номзоди., доцент в.б.

Э.Шавқиев, иқтисодиёт фанлари номзоди., доцент.

Такризчилар:

Н.Ў.Арабов – СамДУ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти

иқтисодиёт фанлари номзоди.

З.И.Саттарова – СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси.

СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси 2017 йил “26” август №1-сонли баённомаси билан услубий кўрсатмани чоп этиш масаласи маъқулланган ва ушбу масалани кўриб чиқиш институт ўқув-услубий кенгашидан сўралган.

СамИСИ ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил “26” август №1 - сонли баённомаси билан нашриётда чоп этишга тавсия қилинган.

© Ш.А.Султонов, Э.Шавқиев. “Институционал инфратузилма” фанидан курс ишини бажариш бўйича услубий кўрсатма. –Самарқанд, СамИСИ, 2017. –бет.

1. Курс иши ёзишнинг мақсад ва вазифалари

«Институционал инфратузилма» фанидан курс иши тайёрлаш 5A230102 “Иқтисодиёт” (хизматлар соҳаси) таълим йўналиш ўқув режасига кўра 3 семестрда кўзда тутилган.

«Институционал инфратузилма» фанидан курс ишини ёзишдан мақсад магистирларда мустақил илмий изланиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Бу мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали таъминланади:

- талабаларнинг маъруза ва семинар машғулотлари ва мустақил таълим мобайнида олган назарий билимларини маълум бир мавзу ёки муаммо бўйича чуқурлаштириш;

- ўқув ва илмий адабиётлардан мустақил ўрганиш, ахборот тўплаш тажрибасини ҳосил қилиш;

- иқтисодий таҳлил, жумладан, қиёсий таҳлил қилиш, иқтисодий жараёнларни баҳолаш ҳамда илмий хулосалар чиқариш кўникмаларини шакллантириш.

Курс иши устида ишлаш, шунингдек, талабаларни келажакда битирув малакавий ишларини тайёрлаш бўйича зарур билим ва кўникмаларни ҳосил қилишга ҳам ёрдам беради.

2. Курс ишини ташкиллаштириш

2.1. Ишнинг мавзусини танлаш

«Институционал инфратузилма» фани бўйича курс иши мавзуси ушбу услубий кўрсатмада тавсия сифатида келтирилган мавзулар рўйхатидан танлаб олиниши мумкин. Шунингдек, кафедра билан келишилган ҳолда, мазкур рўйхатга киритилмаган бошқа бир долзарб мавзу ҳам курс иши учун талаба томонидан танланиши мумкин.

Курс иши мавзусини танлашда, талабанинг қизиқиши соҳаси, танланган мавзунинг долзарблилиги, илмий ва статистик ахборот базасининг мавжудлиги, мавзунинг айнан “Институционал инфратузилма” фани предмети доирасида бўлишига эътибор қаратилади.

2.2. Ишнинг режасини тузиш ва бажариладиган ишларни назорат қилиш

Курс ишининг режаси талаба томонидан илмий раҳбар билан маслаҳатлашган ҳолда тузилиши керак. Курс ишнинг тайёрланган режаси кафедра мудирини ёки унинг ёрдамчисидан тасдиқлатиб олиниши лозим.

Курс ишида белгиланган режа топшириқларини бажарилиш муддатлари илмий раҳбар томонидан талабага белгилаб берилади.

Талаба тасдиқланган режага қатъий амал қилиши, унда белгиланган вазифаларни (режа саволларини) босқичма-босқич ҳамда илмий раҳбар назоратида амалга ошириши керак.

2.3. Курс ишида амалга оширилиши керак бўлган ишлар

2.3.1. Кафедранинг асосий вазифалари

Кафедра томонидан курс ишини ёзишда қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак.

- курс иши мавзуларини тасдиқлаш ва қайта кўриб чиқиш;
- мавзуни танлашида талабаларга керакли кўрсатмалар ва амалий ёрдам бериш;
- талабага илмий раҳбарларни тайинлаш ва бириктириш;
- талабанинг курс иши режасини тасдиқлаб бериш ва унинг вазифасини бажаришини назорат қилиш;
- курс ишини тайёрлашда талабага услубий жиҳатдан ёрдам бериш;
- талаба томонидан бажарилган ишнинг сифатига тақриз бериш ҳамда курс иши ҳимоясини ташкил қилишдан иборат бўлади.

2.3.2. Илмий раҳбарнинг вазифалари

Кафедра томонидан бириктирилган илмий раҳбар курс ишини тайёрлашда талабага раҳбарлик қилишда қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

- курс иши мавзусини танлашда талабага ёрдам бериши;
- ишнинг режасини тузишда талабага илмий-услубий кўмак бериши ва мавзуга оид адабиётларни тавсия этиши;
- режа бўйича вазифаларнинг бажарилишини мунтазам равишда текшириши, илмий-услубий маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериши;
- курс ишига тақриз бериши.

2.3.3. Талабанинг вазифалари

Талаба курс ишни бажариш жараёнида қуйидагиларни бажариши лозим:

- ишнинг мавзусини кафедранинг талабларидан келиб чиққан ҳолда танлаш;
- мавзуга оид ўқув ва илмий адабиётларни ва статистик ахборотларни жамлаши;
- илмий раҳбари билан келишилган ҳолда тузилган курс иши режаси асосида берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши;
- ўрнатилган тартиб бўйича курс ишнинг ҳисоботини ўз вақтида кафедрага тақдим этиш.

2.3.4. Талабаларнинг билим даражасини текшириб кўриш

Талабанинг курс ишини бажаришга тайёргарлигини текшириб кўриш учун қуйидаги саволлар берилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Институционал назариялар пайдо бўлиши ва ривожланиши.

Таянч иборалар: Т.Вебел, Ж.Р. Коммоис, У. Митчелл, Ж. Гобсонларнинг назариялари.

2. Институционализмнинг асосий хусусиятлари. **Таянч иборалар:** Институт, жамият, давлат, оила.

3. Институционализм назариясининг ривожланиш даврлари. **Таянч иборалар:** Иқтисодий назария, классик, неоклассик, ижтимоий-институционал йўналиш.
4. Институционализмнинг учта асосий йўналишларининг шаклланиши. **Таянч иборалар:** Ижтимоий-психологик, ижтимоий-ҳуқуқий, эмприк оқимлар.
5. Институт тушунчаси ва уларнинг асосий тавсифи. **Таянч иборалар:** Ҳуқуқ, мажбурият, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳада.
6. Институт асосий тушуча сифатида. **Таянч иборалар:** Жамият, шахс, мулкчилик, қоида, назария, меъёр.
7. Институтлар ва қоидалар. **Таянч иборалар:** Шартнома, мулкчилик, фирма, янги иқтисодий тарих, янги сиёсий иқтисодиёт назариялар.
8. Институтлар типологияси. **Таянч иборалар:** Расмий, норасмий, сиёсий вазифа, иқтисодиё вазифа, бозор агентлари.
9. Трансакция харажатлари. **Таянч иборалар:** Харажат, битим, алмашув натижаси, қиймат.
10. Трансакция харажатларининг иқтисодий таърифи. **Таянч иборалар:** Мулкчилик, эркинлик ҳуқуқи, манфаат, битим.
11. Трансакция харажатларини таснифлаш. **Таянч иборалар:** Ресурсларни бошқариш, қўлам харажатлари, ахборот харажатлари.
12. Трансакция харажатлари ва институтлар. **Таянч иборалар:** Лойиха тузиш, музокара назорат харажатлари, солиқлар.
13. Мулкчилик ҳуқуқларининг иқтисодий назарияси. **Таянч иборалар:** Қонун, меъёр, ҳуқуқ, даҳсизлик.
14. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш. **Таянч иборалар:** Эгалик қилиш, бошқариш, тассаруф этиш.
15. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлашга нисбатан ёндашувлар. **Таянч иборалар:** Фойдаланиш, даромад олиш, муддатсизлик.
16. Инглиз-саксония ва рум-немис ҳуқуқий анъаналари. **Таянч иборалар:** Даромад олиш, истеъмол, чеклаш, ҳуқуқ.
17. Мулкчилик ҳуқуқлар тўплами сифатида. **Таянч иборалар:** Хусусий, тўлиқсиз, хўжалик юритиш, фойдаланиш.
18. Мулкчилик ҳуқуқлари тутами тушунчаси. **Таянч иборалар:** Ваколат, хусусий ижтимоий, шартнома, давлат мулки, умумий мулк, коммунал мулк.
19. Оптимал шартнома назарияси. **Таянч иборалар:** Ҳуқуқ, шартнома, иқтисодий агент, хоҳиш.
20. Шартнома тушунчаси. **Таянч иборалар:** Мажбурият, иштирокчи, томонлар, тартибга солиш.

2.4. Ишга тайёргарлик

2.4.1. Адабиётларни танлаш

Фанга таълуқли бўлган барча турдаги адабиётларни ва манбаларни кўриб чиқиш лозим.

- махсус:
- илмий;

- илмий-оммабоп;
- маълумотномалар, шу сингари статистик;
- умумий.

2.4.2. Адабиётларни ўрганиш ва асосий маълумотларни йиғиш

Адабиётларни ўрганишдан олдин яна бир бор мавзуни тўғри танланганлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Талаба адабиётларни курс иши мавзуси бўйича, унга мос тарзда танлаши керак. Илмий раҳбарнинг вазифаси талаба танлаган манбаларни қайта кўриб, асосийларини қолдиришдир.

Манбаларни тўплашда талаба унинг чоп этилган йилига ҳам алоҳида эътибор бериши лозим. Эски манбалардан олинган маълумотлар бугунги кундаги долзарб ҳисобланган муаммоларни ечишда унчалик аҳамиятли бўлмай қолади.

Талаба бир нечта манбаларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўзига энг маъқул деб топган маълумотларни олгандагина курс иши тадқиқоти самарали бўлади.

3. Курс ишининг таркибий тузилиши

Курс иши мавзуси танланиб, талабага илмий раҳбар тасдиқлангандан сўнг, талаба ушбу мавзу бўйича адабиётлар, илмий мақолалар, адабий манбалари, ҳужжатларни ўрганишга киришади.

Тўплаган материаллар асосида ишнинг тўлиқ режаси тузилади.

Курс иши режаси кириш, асосий қисм (3 тадан 5 тагача саволдан иборат) хулоса (фикр-мулоҳаза ва таклифлардан иборат), фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олади.

Саволларнинг номи мавзу номини такрорламаслиги керак.

1. Курс иши титул варағи ягона нусха бўйича расмийлаштирилади (1-иловага қаранг).

Титул варағидан кейин ишнинг мундарижаси берилади (таркибий тузилиши). Бунда ҳар савол номи ва бажариш варағи ёзилади. (2-иловага қаранг).

2. Ишнинг кириш қисмида тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, мавзунинг долзарблиги, илмий, амалий ва услубий ёндашуви асоси, ишнинг мазмуни берилади.

3. Асосий қисмда ҳар бир саволнинг тўлиқ мазмунини, статистик маълумотларнинг иқтисодий таҳлили, қонуний асослари, қўйилган муаммолар бўйича иқтисодий ҳисоб-китоблар, ташкилот ва корхоналарнинг тажрибалари, ҳозирги вақтдаги мавжуд муаммолар таҳлили ва уларни бартараф этиш йўллари ёритилади.

Буларнинг барчаси қўйилган талабларга жавоб бериши, иш илмий, аниқ, асосланган характерга эга бўлиши керак. Ҳар бир саволлар қисқа хулосалар билан тугалланиши керак.

Курс ишининг асосий қисми, иш умумий ҳажмининг 60 % ни ташкил қилиши керак. Ишда изланиш объектларининг ташкилий ва иқтисодий тавсифи, бошқарув схемалари ва уларнинг боғлиқлиги кўрсатилади.

Статистик кўрсаткичлар, жадваллар, схемалар, диаграммалар кўринишида берилади ва улар иқтисодий таҳлил этилади, ҳамда изоҳланади.

Ишда иқтисодий кўрсаткичлар бир неча йиллар мисолида таҳлил этилиши, улар ўзгаришидаги тенденциялар, қонуниятлар ва сабаб оқибат боғланишлари очиқ берилиши керак.

Курс ишининг хулоса қисмида иш юзасидан барча хулосалар умумлаштирилади, ўз фикр-мулоҳазалари билдирилади, амалий таклиф ва тавсиялар берилади. Таклиф ва мулоҳазалар талабанинг ўзиники бўлиб, у ишда қайд этилган таклифларни такрорламаслиги керак.

5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида талаба курс ишида фойдаланган адабиёт ва ҳужжатларнигина келтириши лозим.

Адабиётлар рўйхатини беришда ҳужжатларни жойлаштириш кетма-кетлиги ва библиографик ёзувларнинг тўғри ёзилишига аҳамият бериш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузишда уларни бир неча гуруҳларга бўлиш тавсия этилади. Ҳужжатларни ва адабиётларни гуруҳлар бўйича жойлаштириш мисоли 3-иловада кўрсатилган.

4. Курс ишини техник расмийлаштириш.

Иш стандарт А4 форматли оқ қоғознинг фақат 1 юзасига ёзилади. Стандартга мос ҳолда ҳар бир варақни ёзишда 4 томондан ҳошия қолдирилиш керак.

Чап томондан – 30 мм;

Юқоридан - 20 мм;

Ўнг томондан – 10 мм;

Пастдан – 25 мм.

Ҳар бир варақ 10 мм, ораликдаги 28-32 қатордан (сатр) иборат бўлиши, ҳар бир сатр 60-65 белгидан (тиниш белгилар ва ораликларни қўшиб ҳисоблаганда) ва 3600 сўздан иборат бўлиши керак.

Саволлар номлари асосий текстдан ораликлар билан ажратилади (10 мм).

Варақларни номерлаш пастдан кетма-кетликка риоя қилган ҳода 3-варақдан (кириш) бошлаб, яъни титул варағи ва мундарижадан сўнг.

Агар курс ишида муаллиф ишга тааллуқли бўлган иқтибос(цитата)лардан фойдаланса, иқтибос олинган манбанинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ сақланиши зарур: орфография, пунктуация, абзацлар жойланиши, шрифтлар ажратилиши. Иқтибослар матннинг ичида берилса, қоидага мувофиқ ҳолда қўштирноқ “ ” ичига олинади. Иқтибосларга ҳаволалар матн ичида, сатрлардан кейин ва матн охирида, асосан варақнинг паст қисмида чизикдан кейин берилиши мумкин.

Агар талаба иқтибос (цитата) бўйича ҳаволаларни ишнинг охирида келтирилган адабиётларга берса, унда матнда иқтибос ката қавсга олиниб, қавсдан сўнг бу адабиётларнинг тартиб номерлари кўрсатилиши керак.

5. Курс ишини ҳимоя қилиш.

Курс ишини ҳимоя қилиш кафедра томонидан тайинланган комиссиясининг очиқ мажлисида амалга оширилади.

Ҳимоя талабанинг ўз иши юзасидан тайёрлаган қисқа (10-12 дақ.) маърузасидан иборат. Маърузада мавзунинг долзарблиги, фойдаланилган манбаларнинг тавсифи, умумлаштирилган хулосалар, муаллифнинг бу масала юзасидан қилган фикр-мулохазалари ва таклифлари баён этилади. Иллюстрация сифатида талаба олдиндан тайёрланган схема, жадвал, график, диаграмма, расмлардан фойдаланиши мумкин. Докладни тугатгач талаба комиссия аъзоларининг саволларига жавоб беради.

6. Курс ишини баҳолаш меъзонлари.

Курс иши ҳимоя натижалари 100 баллик рейтинг баҳолаш тизими орқали аниқланади.

Курс иши ҳимоясини ташкил этиш вақти	Баҳолаш кўрсаткичлари	Баҳолаш меъзонлари
2012 йил 11-24 январь	55 – 70 балл	- курс ишининг дастлабки ҳимояси далолатномаси, илмий раҳбар тақризи мавжудлиги (10-12 балл); - курс ишининг расмийлаштириш талабларига жавоб бериши (10-12 балл); -талаба томонидан курс ишининг мазмунини очиб бериш (доклад) даражаси (16-18 балл); -тақдимотнинг тайёрланиш ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси (10-13 балл); - комиссия аъзолари томонидан берилган саволларга берилган жавоблар (10-15 балл. Ҳар бир тўғри жавобга 3 баллдан):
	71-85 балл	- курс ишининг дастлабки ҳимояси далолатномаси, илмий раҳбар тақризи мавжудлиги (10-12 балл); - курс ишининг расмийлаштириш талабларига жавоб бериши (8-10 балл); -талаба томонидан курс ишининг мазмунини очиб бериш (маъруза) даражаси (16-18 балл); - тақдимотнинг тайёрланиш ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси (10-13 балл); - комиссия аъзолари томонидан берилган саволларга берилган жавоблар (10-15 балл. Ҳар бир тўғри жавобга 3 баллдан): - курс иши мавзуси бўйича тарқатма материалларнинг мавжудлиги ва ундаги маълумотларнинг асосланиши даражаси (5 балл); -соҳа ривожини учун талаба томонидан ишлаб

		чиқилган долзарб ғоя учун (10 балл);
	86-100 балл	- курс ишининг дастлабки ҳимояси далолатномаси, илмий раҳбар тақризи мавжудлиги (10-12 балл); - курс ишининг расмийлаштириш талабларига жавоб бериши (10-12 балл); - талаба томонидан курс ишининг мазмунини очиқ бериш (доклад) даражаси (16-18 балл); - тақдимотнинг тайёрланиш ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси (10-13 балл); - комиссия аъзолари томонидан берилган саволларга берилган жавоблар (10-15 балл. Ҳар бир тўғри жавобга 3 баллдан); - курс иши мавзуси бўйича тарқатма материалларнинг мавжудлиги ва ундаги маълумотларнинг асосланиши даражаси (5 балл); - соҳа ривож учун талаба томонидан ишлаб чиқилган долзарб ғоя учун (10 балл); - талабанинг жаҳон иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришлардан хабардорлиги ва «ноу-хау» янгиликларидан фойдаланиш йўналишларини билиши (5 балл); - курс иши ҳимояси давомида таълаба ўз фикрларини аниқ ифодалаши ва равон етказиб бериши даражаси (5 балл); - курс иши ҳимояси учун белгиланган вақтдан унумли фойдаланганлиги (5 балл);

Курс иши натижалари рейтинг қайдномаларида расмийлаштирилади ва комиссия раиси ва аъзолари имзоси билан тасдиқланади.

Курс иши ҳимоясида 55 балдан кам балл тўплаган талабалар ўқув режасида кўрсатилган мазкур фандан якуний баҳолашга кириш ҳуқуқидан четлаштирилади.

6. Курс ишига илова этиладиган ҳужжатлар.

- 6.1. Илмий раҳбарнинг курс ишига берилган ёзма тақризи.
- 6.2. Мавзуга таълуқли қонучилик актлари.
- 6.3. Статистик ахборотлар жамланган жадваллар, диаграммалар, графиклар, схемалар.

7. Курс ишининг тавсия этилаётган мавзулари

1. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи.
2. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи.
3. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари.
4. Институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари.

5. Ҳозирги замон иқтисодий таълимотларининг асосий йўналишлари.
6. Институционализмнинг бошқа йўналишлардан фарқ этувчи жиҳатлари.
7. «Эски» институционализм вакиллари қарашларининг таҳлили.
8. Институционализмнинг асосий назариялари.
9. Мулкӣ ва шартномавий муносабатлар назарияларининг шарҳи.
10. “Эски” ва “янги” институционал мактабларнинг принципиал фарқлари.
11. Неоинституционал иқтисодий назария (неоинституционализм) ривожланишининг асосий омиллари.
12. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти.
13. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши.
14. Институционал матрица ва унинг амал қилиши.
15. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги.
16. Бозор иштирокчиларининг ўзаро келишувлар бўйича ҳатти-ҳаракатлари нормаси.
17. Расмий ва норасмий нормаларни мувофиқлаштиришнинг зарурати.
18. Ташкилотларнинг институционал жараёнларда бажарадиган функциялари.
19. Ўйинлар назариясининг асосий йўналишлари.
20. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари.
21. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи.
22. Кооператив ва некооператив назарияларнинг хусусиятлари.
23. Устун стратегияли мувозанатнинг таҳлили.
24. Нэш бўйича мувозанат ва унинг таҳлили.
25. Штакельберг бўйича мувозанат ва унинг таҳлили.
26. Парето бўйича мувозанат ва унинг таҳлили.
27. Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши.
28. Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормалари.
29. Бозор конституцияси нормалари.
30. Мулкчилик ҳуқуқларининг иқтисодий асослари.
31. Иқтисодиёт конституциялари нормаларининг гуруҳланиши.
32. Мулкчилик ҳуқуқларининг таснифланиши.
33. Ўтиш иқтисодиёти туб беқарорлигининг сабаблари.
34. Буйруқбозлик иқтисодиётида утилитаризм нормаси.
35. Бозор иқтисодиётининг даврий тебранишлари.
36. Лизинг шартномалари ва уларнинг аҳамияти.
37. Мулкдорлар ўртасида ҳуқуқларнинг тақсимланиши.
38. Коуз теоремаси ва унинг аҳамияти.
39. Трансакция харажатлари ва уларнинг моҳияти.
40. Мулкчилик субъектлари бўйича ҳуқуқларининг тақсимланиши.
41. Иқтисодий назарияларда устувор секторларнинг тақсимланиши.
42. Мулкчилик концепциясининг иқтисодий устунликлари.
43. «Рекомбинацияланган» ва «чигаллашиб кетган» мулкӣ муносабатлар.

44. Мулкчилик ҳуқуқларда «даромад самараси»нинг омиллари.
45. Хуфёна иқтисодиёт ва унинг шаклланиши.
46. Хуфёна иқтисодиёт фаолиятининг оқибатлари.
47. Хуфёна бозор – институционал тизим сифатида.
48. Ривожланган мамлакатларда юридик шахсларни рўйхатга олиш ҳаражатлари.
49. Мулкчилик таърифларининг таҳлили.
50. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари.
51. Мулкчий ҳуқуқлар ва уларнинг амал қилиши.
52. Шартнома тушунчаси ва унинг амал қилиши.
53. Сотиш ва ёллаш тўғрисидаги шартномаларни тузиш ва унга амал қилиш.
54. Ташкилотлар ва улар фаолиятининг таҳлили.
55. Институт билан ташкилот ўртасидаги чегара.
56. «Принципал» ва «агент» ўзаро муносабатлари муаммоси.
57. Фирмалар типологияси. Фирмани ривожлантириш траекторияси.
58. Трансакция ҳаражатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш.
59. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида.
60. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш.
61. Ташкилий-ҳуқуқий шакл фирманинг стратегияси ҳақидаги ахборот манбаси сифатида.
62. Давлат томонидан бажариладиган функциялар таҳлили.
63. Иқтисодиётга давлат аралашувининг чегаралари.
64. Давлат ва «принципал-агент» муаммоси.
65. Давлат хусусиятини баҳолашнинг эмпирик усуллари.
66. Уй хўжалиги ташкилот сифатида.
67. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли.
68. Миллий иқтисодиётни таҳлил қилишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар ва уларнинг иқтисодий моҳияти.
69. Иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари.
70. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва оқибатлари.
71. Иқтисодий мутаносиблик ва мувозанатликларнинг моҳияти.
72. Ҳақиқий ва режалаштирилган ҳаражатлар аҳамияти.
73. Пул муомаласи ва унинг функциялари.
74. Пул бозорида мувозанат ва унинг амал қилиши.
75. Ўзбекистон Республикаси солиқ ислохотларининг асосий йўналишлари.
76. Давлат бюджетининг моҳияти ва функциялари.
77. Ўзбекистоннинг банк тизимини мустаҳкамлаш ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари.
78. Иқтисодий ўсиш ва унинг турлари.

79. Халқаро савдо ва унинг асосий йўналишлари.
80. Жаҳон валюта тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
81. Иқтисодий дин давлат томонидан тартибга солиш таълимотлари.
82. Кейнс ғояларининг ҳозирги даврдаги аҳамияти.
83. Неолиберализмнинг умумий хусусиятлари.
84. Ижтимоий бозор хўжалиги концепцияси.
85. Неоклассик синтез концепциясининг моҳияти.
86. Самуэльсоннинг асосий ғоялари.
87. Эконометриканинг ҳозирги замон асосий йўналишлари.
88. Халқаро интеграция ва нисбий афзаллик концепцияси.
89. Валюта муносабатлари таҳлили ва жаҳон пулининг янги металл концепцияси.
90. Ривожланаётган мамлакатлар тўғрисидаги иқтисодий қарашлар.
91. Маъмурий буйруқбозлик иқтисодий оқибатлари ва туб ислохотлар зарурияти.
92. Ўтиш даври иқтисодийнинг ўзига хос хусусиятлари.
93. Иқтисодий ислохотларнинг миллий модели.
94. 2013 йилда Республикада амалга оширилаётган устувор йўналишлар.
95. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури
96. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури
97. “Обод турмуш йили” Давлат дастури
98. 2012 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якуний кўрсаткичлари.
99. Иқтисодий модернизациялаш, эркинлаштириш ва ислох этиш чора-тадбирлари
100. Республика иқтисодийда тўғридан - тўғри хусусий инвестицияларни жалб этиш
101. Бозор иқтисодийга ўтиш концепцияси ва ислохотлар стратегияси.
102. Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари
103. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг зарурилиги.
104. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш йўналишлари
105. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва ривожлантириш масалалари.
106. Миллий валютанинг аҳамияти ва конвертациялашуви
107. Бозор иқтисодийга ўтиш даврида кучли адолатли ижтимоий ҳимоянинг зарурилиги
108. Иқтисодий диверсификациялаш.
109. Иқтисодий қонунлар, категориялар, уларнинг фарқлари ва амал қилиш механизми.
110. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар, уларни ўрганиш усуллари.

111. Ижтимоий тараққиёт босқичларини билишга бўлган турли хил ёндашувлар.

112. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва уларнинг андозалари.

113. Ўзбекистонда миллий бозорни шакллантириш вазифалари.

114. Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиётнинг ва мулкдорлар синфининг шаклланиши.

115. Монополияга қарши қонунчилик ва уни Ўзбекистонда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.

116. Макроиқтисодий нисбатлар ва унга таъсир этувчи омиллар.

117. Иқтисодий мувозанатликнинг моҳияти ва унга эришиш йўллари.

118. Иқтисодиётнинг циклиги тўғрисида турлича назариялар.

119. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва унинг иқтисодий мувозанатга таъсири.

120. Ўзбекистонда ишчи кучи бозорининг шаклланиши ва ривожланиши.

121. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ва давлатнинг ижтимоий сиёсати.

122. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

«ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНФРАТУЗИЛМА»
фанидан

**Мавзу: “Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва
ривожланиши тарихи”**

КУРС ИШИ

ИЛМИЙ РАҲБАР:

БАЖАРДИ: МИ-116

гуруҳи талабаси _____

МУНДАРИЖА

КИРИШ		
1	“Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти.....	_____
2.	Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши.....	_____
3.	Институционал матрица.....	_____
4.	Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги.....	_____
	Хулоса ва таклифлар	_____
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	_____
	Иловалар	_____

Курс иши ёзиш учун тавсия этиладиган адабиётлар**I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси “Мулк тўғрисида”ги Қонуни. 31 октябр 1990 й.
2. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 19 ноябр 1991 й.
3. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 26 апрел 1996 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. 29 август 1996 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. 24 апрел 1997 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси. 30 апрел 1998 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси. 24 декабр 1998 й.
8. Ўзбекистон Республикаси “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 20 апрел 1998 й.
9. Ўзбекистон Республикаси “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуни. 14 апрел 1999 й.
10. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий тадбиркорлик кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида”ги Қонуни. 25 май 2000 й.
11. Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни. 6 декабр 2001 й.
12. Ўзбекистон Республикаси “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 11 декабр 2003 й.
13. Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни. 26 август 2004 й.
14. Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни. 20 июл 2006 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарори./ Тошкент окшоми. 2011 йил, 10 февраль
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ПФ-3226-сонли Фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-3342-сонли Фармони.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3619-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги “2007 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжалкларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-514-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 2 декабр
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 19 ноябр
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал–иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 4 декабр
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора –тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 2010 йил, 27 февраль

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

24. И.А.Каримов. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. – Т.: Ўзбекистон, 2013. –48 б.
25. И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 48 б.
26. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. - Т.: Ўзбекистон. 2011.
27. И. Каримов. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон. 2010,
28. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. / Халқ сўзи, 30 январь 2010 йил.
29. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни баратаф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: “Ўзбекистон”, 2009
30. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2009

- 31.Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997

IV. Дарсликлар

- 32.Агеев А.И. Предпринимательство: проблемы собственности и культуры. - М.: 1991. – 250 с.
33.Веблен Т. Теория праздного класса. М.: Прогресс. 1987.
34.Даглас К.Норт. Институты и экономический рост: историческое введение. – М.: 2003. – 265 с.
35.Институциональная экономика: Учебник / Под общ. ред. А. Олейника. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 704 с.
36.Эггертсон Т. Экономическое поведение и институты. –М.: ДЕЛО, 2001. 18-19 б.

V. Ўқув қўлланмалар

- 37.Агабекян Р.А., Баядурян Г.А. Институциональная экономика: бизнес и занятость: Учебн.пособие. – М.: Магистр, 2008. – 462 с.
38.Беркинов Б.Б., Неделькина Н.И. Имущественные отношения в сфере недвижимой собственности в Республике Узбекистан: V Международная научно-практическая конференция. Сборник тезисов. Пенза, Пензенский государственный университет архитектуры и строительства, 2009. – С. 22-25.
39.Беркинов Б.Б. Мулкчилик муносабатлари ролининг ўзгариши// Иқтисодий ислохотлар амалда: эришилган ютуқлар, муаммолар ва иқтисодиётнинг ривожланиш истикболлари: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган илмий-оммабоп мақолалар тўплами.- Т.: “Иқтисодиёт”, 2009. – Б. 13-17.
40.Беркинов Б.Б. Трансакция харажатларини камайтириш иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили: Илмий анжуман маърузалари тўплами. – Тошкент, ЎЗР ФА Иқтисодиёт институти, 2010. – 0,3 б.т.
41.Бренделева Е.А. Неинституциональная теория. Учебное пособие / Под.ред. проф. М.Н.Чепурина. – М.: ТЕИС, 2003. – 253 с.
42.Введение в институциональную экономику: Учебное пособие/ Под.ред. Д.С.Львова. – М.: Из-во “Экономика”, 2005. – 636 с.
43.Голышев В.А., Закирова С.А. Национальная экономика Республики Узбекистан в переходный период: Учебное пособие.– Т.: УМЭД, 2007.– 142 с.
44.[Гребенников](#) В.Г. **Эволюция институциональных систем.** - М.: "Наука", 2004. – 240 с.
45.Грибов А. Ю. Институциональная теория денег: сущность и правовой режим денег и ценных бумаг.- М.: РИОР, 2008. – 200 с.
46.Гэлбрейт Дж.К. Экономические теории и цели общества. – М.: Прогресс, 1976.

47. Данилов С.Ю. Конституционная экономика в зарубежных странах: Учеб. пособие. / С.Ю. Данилов; Гос. ун-т – Высшая школа экономики. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2008. – 145 с.
48. Институциональные основы формирования многоукладной экономики. Монография под общ. ред. И.Л. Бутикова. – Т.: Консультинформ, 2002. – 272 с.
49. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: Учебник / Под общей ред. д.э.н., проф. А.А. Аузана. – М.: ИНФРА-М, 2006. – 416 с.
50. Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: Дело, 1993. – 143 с.
51. Кузьминов Я.И. Курс институциональной экономики: институты, сети, трансакционные издержки, контракты: учебник для студентов вузов. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2006. – 442 с.
52. Неделькина Н.И. Институты права собственности в Республики Узбекистан. // Иқтисодий ислохотлар амалда: эришилган ютуқлар, муаммолар ва иқтисодиётнинг ривожланиш истикболлари: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган илмий-оммабоп мақолалар тўплами. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2009. – Б. 146-148.
53. Некипелов А. Становление и функционирование экономических институтов: от «рабинзонады» до рыночной экономики, основанной на индивидуальном производстве. – М.: Экономистъ, 2006. – 328 с.
54. Норд Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. – М.: Фонд экономической книги. «Начало», 1997. – с. 6.
55. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 416 с.
56. Ортиқов А.А. Исохўжаев А.Т., Шестаков А.В. Хуфёна иқтисодиёт: Ўқув қўлланмаси / Масъул муҳаррир – ю. ф. д., проф. У.Тожиҳонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – 175 б.
57. Рыночные преобразования и развитие предпринимательства // Сборник научных трудов НИИУРР. – Т.: Консультинформ, 2002. – 352 с.
58. Сухарев О.С. Институты и экономическое развитие. – М.: ООО ИКП «ДеКА», 2005. – 384 с.
59. Сухарев О.С. Институциональная экономика: теория и практика / О.С. Сухарев; Ин-т экономики РАН. – М.: Наука, 2008. – 863 с.
60. Тарушкин А.Б. Институциональная экономика. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2004. – 368 с.
61. Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликларининг институционал асосларини такомиллаштириш. // Иқтисодий ислохотлар амалда: эришилган ютуқлар, муаммолар ва иқтисодиётнинг ривожланиш истикболлари: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган илмий-оммабоп мақолалар тўплами. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2009. – Б. 152-154.
62. Ташматов Р.Х., Хашимов У. Особенности земельно-имущественных отношений в фермерских хозяйствах Узбекистана: V Международная

- научно-практическая конференция. Сборник тезисов. Пенза, Пензенский государственный университет архитектуры и строительства, 2009. – С. 194-196.
63. Ходжсон Джеффри. Экономическая теория и институты: Манифест современной институциональной экономической теории / Пер. с англ. – М.: Дело, 2003. – 464 с.
64. Шаститко А.Е. Новая институциональная экономическая теория. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: МГУ, ТЕИС, 2002. – 591 с.
65. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва қучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув услубий мажмуа. Тузувчилар: Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 340 б.
66. Эванс Фрэнк Ч., Бишоп Дэвид М. Оценка компаний при слияниях и поглощениях: Создание стоимости в частных компаниях / Пер. С англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2004. – 332 с.
67. On Economic Institutions: Theory and Applications. Aldershot: Edward Elgar, 1995. – с. 19.

VI. Статистика тўпламлари маълумотлари

68. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот таҳлилий шарҳ 2000-2010 йй. – Т.: Ўзбекистон 2000-2011.
69. Инвестиции республики Узбекистан 2010. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 148 с

VII. Интернет сайтлари

70. «Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот ва таҳлилий шарҳининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги электрон нусхаси қуйидаги веб-саҳифада берилган: www.cer.uz.
71. <http://www.uzland.uz>.
72. <http://www.imf.org>.
73. <http://www.bank.uz>.
74. <http://www.nalog.uz>
75. <http://www.norma.uz>